

**"O'ZBEKISTON VA YAPONIYA MADANIY ALOQALARINING DOLZARB
MASALALARI: TIL, TARJIMA VA ADABIY JARAYONLAR"**

文化の対話と翻訳・翻案

XALQARO ILMIY AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI

論文集

Tashkilotchilar: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti

Tsukuba universiteti

共催：タシケント国立東洋学大学

筑波大学

科研費 B「日末現代文学・文化の世界展開の比較文学的研究

2018 - yil 16 - 17-mart

2018 年 3 月 16 ~ 17 日

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT DAVLAT SHARQSHUNOSLIK INSTITUTI**

国際シンポジウム

**“O'ZBEKISTON VA YAPONIYA MADANIY ALOQALARINING DOLZARB
MASALALARI: TIL, TARJIMA VA ADABIY JARAYONLAR”**

文化の対話と翻訳・翻案

XALQARO ILMIY AMALIY ANJUMAN MATERIALLARI

論文集

Tashkilotchilar: Toshkent davlat sharqshunoslik instituti

Tsukuba universiteti

共催：タシケント国立東洋学大学

筑波大学

科研費 B「日本現代文学・文化の世界展開の比較文学的研究

2018-yil 16-17-mart

2018 年 3 月 16~17 日

Toshkent-2018

MUNDARIJA 目次

Kirish so'zi 【挨拶】

Mannonov Abdurahim (ToshDSHI rektori, professor)

タシケント国立東洋学大学学長 マンナノフ・アブドゥラヒム.....8

Asosiy ma'ruzalar 【基調報告】

Rixsiyeva Gulchehra (ToshDSHI ilmiy ishlar bo'yicha prorektori)

"Oliy ta'lim islohotlari va xorijiy til ta'limi – O'zbekiston va Yaponiya o'rtasidagi madaniy- ilmiy aloqalarni kuchaytirish omili"

「高等教育改革に基づいた外国語教育—ウズベキスタンと日本間の文化・学術的な関係を深める要因—」.....11

Ono Masaki (Tsukuba universiteti)

"Своеобразие японского языка с точки зрения «гибкости»"

小野正樹(筑波大学)「フレキシビリティから考える日本語らしさ」.....16

Akashi Junichi (Tsukuba universiteti)

"Мульти культурный симбиоз – мульти культуризм, который не был импортирован в Японию, и «социальная интеграция» японского типа"

明石純一(筑波大学)「多文化共生～輸入されなかった多文化主義と日本型『社会統合』」.....23

Sugano Reiko (ToshDSHI) *"Translation as seen from the Japanese Speaker's Viewpoint"*

菅野怜子(タシケント国立東洋学大学)「『日本語の視点』からみた翻訳」.....34

《Til va tarjima》【言語と翻訳】

Xudayberganova Zilola (ToshDSHI) *"Tarjimaning lingvokognitiv va lingvokulturologik aspektlari"*

「翻訳における言語意識及び言語文化学的側面」.....45

Yasuda Rie (Nagoya universiteti) *"Правовые понятия и термины в области административного права"*

安田理恵(名古屋大学)「言語と法:翻訳が媒介する行政法の基本概念」.....53

Nosirova Saodat (Konfutsiy nomidagi O'zbekiston-Xitoy instituti)

"Способы перевода терминологии общественно-политической сферы (на примере сравнительного анализа японской и китайской лексики)"

「—社会・政治分野における用語の翻訳—日本語と中国語の比較分析を中心に—」.....63

Ibragimova Malika (UzGUMYA) *"Лексико-семантические возможности при письменных переводах с японского на русский язык"*

「日本語からロシア語翻訳の語彙・意味論的可能性」.....69

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ИСЛОҲОТЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛ ТАЪЛИМИ– ЎЗБЕКИСТОН ВА
ЯПОНИЯ ЎРТАСИДАГИ МАДАНИЙ-ИЛМИЙ АЛОҚАЛАРНИ КУЧАЙТИРИШ ОМИЛИ**

高等教育改革に基づいた外国語教育

—ウズベキスタンと日本間の文化・学術的な関係を深める要因—

Рихсиева Гулчехра リシエヴァ・グルチェフラ

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Илмий ишлар бўйича проректори

Дунё мамлакатлари ўртасида турли жабҳаларда интеграцияни кучайтиришга эҳтиёж кучайиб бораётган бугунги кунда таълим жараёнидаги ҳамкорлик, маданий алоқаларни кенгайтириш масалалари ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хорижий университетлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, соҳалар бўйича олимлар ва мутахассисларнинг биргаликда таълим сифатини ошириш ҳамда илмий фаолиятда ҳамкорлик қилишлари бутун дунёда университетларнинг рейтингини кўтарувчи асосий омиллардан бўлиб келмоқда. Бунда халқаро алмашув дастурлари, ҳамкорликда илмий анжуманлар ташкил этиш, малака ошириш стажировкаларини амалга оширган ҳолда замонавий илм-фан ютуқларини тарғиб этиш ҳам қўйилган мақсадларга эришишда муҳимдир.

Бугунги кун талабларига жавоб берадиган юқори малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш олий таълимнинг энг устувор вазифаси эканлиги барчамизга маълум.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги даврда таълим тизимини ислоҳ қилиш, жумладан, олий таълим жараёнида кучли ўзгаришлар қилиш куннинг долзарб вазифаларидан эканлиги мамлакатимиз раҳбари томонидан қатор фармойиш ҳужжатлари имзоланганлиги ва ижрога киритилганлигида кўринади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2909-сонли қарорида олий таълим тизимини келгусида янада такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш бўйича энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Бунда кадрлар тайёрлаш мазмунини тубдан қайта кўриш, ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим

муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш каби қатор вазифалар белгилаб берилган. Шунга кўра ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл ўқитувчилари ва олимларини жалб этиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга масалалардан бўлиб турибди.

Мазкур вазифалар доирасида энг муҳим ва бошқаларининг амалга ошиши учун асос сифатида албатта хорижий тажрибани ўрганиш ишини кўрсатиш мумкин. Хорижий тажрибани ўрганиш учун эса ўша мамлакат тилини ёки халқаро тиллардан бирини билиш ва мулоқот қилиш малакаси юқори бўлиши талаб этилади. Ушбу жараёнда миллий тилларни ўқитиш, уларни чоғиштирган ҳолда ўрганиш ва тадқиқ этиш, маданиятлараро мулоқотни ташкил этувчи элементларни турли жиҳатдан қиёслаш кабиларга эътибор қаратилади.

Шунингдек, 2018 йилда инновацион фаолиятни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таълим жараёнида ҳам янгича ёндашувлар асосида ишлашни талаб этмоқда.

Хусусан, филологиянинг адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик каби турли соҳаларида ўзига хос янгича ёндашувлар асосидаги таълим технологиялари, тадқиқот методларини хорижий университетлар тажрибаси мисолида ўрганиш, амалиётга жорий этиш энг зарурий вазифалардан бўлиб турибди.

Япон тили ва адабиётини ўрганиш ва ўқитиш, таржимашунос ва таржимонларни тайёрлаш борасида қилишимиз керак бўлган ишлар талайгина. Ҳозирги ҳолатда институтимизда япон тилини ўқитиш, талабаларнинг амалий тил билимларини чуқур эгаллашларига яратилган шароитларни ижобий баҳолаш мумкин. Япон филологияси кафедраси ўқитувчиларининг меҳнатлари самараси талабаларнинг тил билими даражасининг юқори эканлигида кўринади. Битирувчиларимизнинг бу ерда олган япон тили билимлари асосида нуфузли ташкилотларда фаолият юритаётганлиги, Япония ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқаларини мустаҳкамлаш йўлида турли жабҳаларда самарали ишлаб келаётганлари бизни қувонтиради, албатта.

Шу билан бирга, япон маданияти ва фалсафасини, Япония таълим тизимини чуқур ўрганиш, ўзбек-рус-япон тилларидан синхрон таржимонларни тайёрлаш масалаларида фаолиятимизни такомиллаштиришимиз зарур бўлиб қолмоқда.

ТошДШИда ўтказилаётган бугунги халқаро миқёсдаги илмий анжуман юқорида айтилган вазифаларнинг ижросини муайян даражада амалга ошириш учун хизмат қилади. Япониялик мутахассис олимлар билан ўзбекистонлик олимларнинг

мулоқоти натижасида қуйидаги йўналишларда ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин деб ўйлайман:

1. Тошкент давлат шарқшунослик институтида япон тили барча таълим йўналишларида ўқитилади. Филологлар учун ва филолог бўлмаган талабаларга япон тилини ўқитишнинг турли методлари ва ресурслари асосида алоҳида ёнлашувларни ишлаб чиқиш, Японияда қўлланиб келаётган янгича услубларни япон тили ва адабиёти таълими жараёнига олиб кириш зарур.
2. Япониялик олимлар билан ҳамкорликда монографиялар, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш ва ҳаммуаллифликда нашр қилиш керак.
3. Ҳамкорликда ишлаб чиқилган таълим технологияларининг тавсифи ва амалиётга жорий этиш бўйича методик қўлланмалар яратиш лозим.
4. Яратилган ўқув адабиётларини электрон китобларга айлантириш, замонавий шаклларда таълим бериш учун, шу билан бирга, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун қулай имконият ва қизиқарли электрон адабиётлар, видеодарслар яратиш мумкин.
5. Онлайн ўқув курслари, жумладан, видеомулоқот орқали маданий ва илмий алоқаларни кенгайтириш каби мавзуларда ойлайн дарслар ташкил этиш мумкин.
6. Ҳар икки мамлакат олимларнинг ҳамкорликдаги илмий мақолаларини юқори импакт факторли журналларда чоп этишга эришиш, улардан дунё олимларининг иқтибос олиши даражасини оширишга ҳаракат қилиш зарур.
7. ТошДШИ қошидаги Цукуба илмий тадқиқот маркази билан Япониянинг турли университетлари ўртасида халқаро илмий лойиҳаларни яратиш жуда муҳим бўлиб турибди. Бу илмий лойиҳалар тил таълимини кучайтириш, миллий маданиятларни қиёслаш, иқтисод, тарих, маданият каби турли йўналишларда илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва уларнинг координациясини илмий лойиҳа орқали ташкил этиш мумкин.
8. Япон ва ўзбек тилларида турли хил луғатлар, айниқса, соҳалар бўйича электрон луғатларни яратиш керак.

Бу вазифаларнинг барчаси ҳамкорликда амалга оширилсагина кутилган натижани бериши мумкин.

Мазкур вазифаларни амалга ошириш хорижий тилни чуқур билишни тақозо этади, албатта. Тилни тил эгалари билимларидан фойдаланган ҳолда ўқитган ҳолатда, сўзсиз, яхши натижага эришиш мумкин. Япон филологиси кафедрасида узоқ йиллардан бери таълим бериб келаётган устоз Сугано Рейко ҳамда устоз

Ишумура Икумининг хиссаси чексиз. Япон тилини чуқур ўрганган талабаларимиз Япония университетларида магистратура ва докторантурада таълимни давом эттираётганликлари ёки турли япон компанияларида яхши мутахассис сифатида ишламоқдалар. Чунки тил таълимини маданият белгилари билан боғлиқ ҳолда ўқитиши тизими япон миллатига тегишли кадриятларга ҳурмат билан қарашга ўргатади. Бу эса, ўз навбатида, мулоқотнинг самарали бўлишига замин яратади.

Мазкур фаолиятнинг яна бир натижаси талабаларимиз ўртасида япон тили нотиклик санъати бўйича танловларнинг ўтказилишидир. Ҳар йили мунтазам ўтказиладиган танловнинг турли босқичларида анчагина талабалар ўз билимларини синаш имкониятига эга бўладилар. Танловда Японияни билиш, япон маданияти бўйича ўрганган билимларини намойиш этиш жараёнида ҳам талабалар ўз нотиклик маҳоратларини намойиш этадилар. Албатта, бу жараёнда япониялик экспертларнинг иштирок этишлари катта аҳамиятга эга.

Шу ўринда бу фаолиятда ҳамкорлик қилиб келаётган Япониянинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Япон фонди, “Mitsubisi” компаниясига миннатдорчилик билдираман.

Япон тили таълимининг юқори даражада эгаллаган битирувчиларимизнинг лингвокультурология, когнитив тилшунослик бўйича тадқиқотлар олиб бораётганлари тил ва нутқ масалаларини айнан миллий маданият билан боғлиқ ҳолда тадқиқ этишларида кўринади.

Биз учун яна бир қувончли ҳолат Японияда ўзбек тили ва маданиятига бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигидир. Япониянинг Токио чет тиллар университетида, Цукуба университети ва бошқа таълим масканларида ўзбек тилининг алоҳида фан сифатида ўқитилаётганлиги, шу асосда халқаро муносабатлар ва Марказий Осиё бўйича минтақашунос ва мамлакатшунос мутахассисларнинг тайёрланаётгани биз учун фахрли.

Бир неча йиллардан буён Токио чет тиллар университети ва Цукуба университетидан япониялик талабалар, магистрант ва тадқиқотчилар институтимизда ўзбек тилини ўрганиб, стажировкадан ўтиб кетадилар. Уларнинг қизиқишлари нафақат тил ўрганиш, балки ўзбек халқи маданияти, кадриятлари, миллий урф-одатларини ўрганиш билан боғлиқ бўлмоқда. Шу сабабли ўзбек тили дарсларини ўтишда интерактив методлардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш, турли электрон ва босма ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланган ҳолда машғулотларни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилади. Япониялик талабалар ўзбекларнинг турли маросимларига ташриф буюриб, турли вилоятларга сафар қилиб, ҳар бир ҳудуднинг ўз одатлари ва маросимлари билан танишадилар. Дарс жараёнида миллий маданият белгиларини муҳокама қилишлари, яқуний иш сифатида “Ўзбекистондаги ҳаётим” мавзусида эссе ёзишлари албатта миллий маданиятларни қиёслаш орқали амалга оширилади. Бу қиёсий характердаги иш

албатта ўзга миллат маданиятини эътибор билан ўрганишни, шу билан бирга, ўз миллий маданиятини чуқур билишни тақозо қилади. Хорижий тил (бу ўринда ўзбек ва япон тили)ни ўргатиш жараёнида айнан миллий маданиятга оид лексикани бериш, фразеологик бирликларни, мақолларни тушунтириб бориш ва ушбу лексика устида кўпроқ ишлаш талаб этилади. Тил грамматикасини ўргатишда ҳам машқ ва матнлар билан янги билимларни мустаҳкамлашда айнан мазкур лексикадан фойдаланиш яхши самара беради.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, хорижий тилни ўқитиш икки миллат маданиятини ўргатиш билан боғлиқ олиб борилган ҳолатда кутилган натижани беради. Тилни чуқур эгаллагаган мутахассислар фаолияти эса, ўз навбатида, икки мамлакат ўртасида илмий ва маданий алоқаларнинг ривожланишида аҳамиятга эга бўлади. Бугунги кунда олий таълим тизимида олиб борилаётган ислохотларнинг самарали бўлиши халқро илмий ва таълим жараёнини такомиллаштириш бўйича ҳамкорликни кучайтириш билан боғлиқ.